ТАРИХИЙ ҲИКОЯЛАРДА ТАРИХИЙ ВОҚЕАЛАР ТАЛҚИНИ

Зебунисо Мустафакуловна АМИРКУЛОВА
Филология фанлари (PhD) бўйича фалсафа доктори
Термиз давлат университети
Термиз, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада тарихий мавзудаги ҳикоялар поэтикаси ҳақида фикр юритилган. Бунда тарихий мавзуда асар ёзганда ёзувчи муаллифдан тасвирланаётган давр ҳаётини ёки тарихий шахснинг ҳаёти ва фаолиятини тарихий ҳужжатлар асосида ўрганиш, шу даврнинг тарихий колоритини ҳаққоний тасвирлаш, персонажлар нутқида ўша давр кишилари тилига хос хусусиятларни акс эттириш ҳақида батафсил баён этилган.

Таянч сўзлар: тарих, ҳикоя, аждодлар, поэтика, ижодкор, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат.

ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ИСТОРИЧЕСКИХ СОБЫТИЙ В ИСТОРИЧЕСКИХ РАССКАЗАХ

Зебунисо Мустафакуловна АМИРКУЛОВА
Доктор философии (PhD)по филологическим наукам
Термезский государственный университет
Термез, Узбекистан

Аннотация

В статье рассматривается поэтика исторических рассказов. При этом подробно рассматривается, что в процессе создания произведения на историческую тему автор должен изучить жизнь описываемого периода или жизнь и деятельность исторической личности на основе исторических документов, правдиво описать исторический колорит этого периода, и отражать особенности языка людей того времени в речи персонажей.

Ключевые слова: история, рассказ, предки, поэтика, писатель, Абдулла Кадыри, Абдурауф Фитрат.

Тарих ҳақиқатини келажак авлодга етказишда бадиий асарларнинг ўрни беқиёс. Бадиий асарлар тарихий фактларни ўқувчига таъсирли етказиш билан бир қаторда, унинг дунёқарашини юксалтиради. Чинакам бадиий асарлар ўтмиш воқелигини ўқувчи онгига чуқур сингдириш билан бир вақтда қалбининг туб-тубига жойлайди. Халқимиз ўзининг буюк тарихига эга. Юртимиз заминида жаҳон тамаддунига катта ҳисса қўшган буюк мутафаккирлар етишиб чиққан. Шу боис шонли тарихимизни, ўз салоҳияти билан дунёни лол қолдирган аждодларимизнинг ибратга лойиқ ҳаёт йўлини бадиий асарлар орқали авлодлар маънавий мулкига айлантириш ёзувчи ва

шоирларимиз олдида турган долзарб вазифалардандир.

Адабиётнинг асосий вазифаларидан бири тарихда содир бўлган воқеаларни қайта жонлантириш, яқин ёки олис ўтмишда яшаган тарихий шахсларга бағишланган асарлар яратишдир. Илмий асарлардан фарқли равишда, ёзувчи ёки шоир тарихий мавзудаги асарда тарих ҳақиқатига суянган ҳолда бадиий тўқимадан ҳам унумли фойдаланади. Ижодкор тарихий ҳодисаларни ёритишда тарихий шахслар ва шу шахслар образини ёрқин акс эттиришга ҳам алоҳида эътибор қаратади.

Ёзувчи ёки шоир тарихий шахслар билан бирга шу шахслар тимсолини ёрқин мужассамлантириш, ифода этилаётган давр манзарасини кенг ва атрофлича ёритиш мақсадида бадиий жиҳатдан пишиқ, манавий етук қаҳрамонни асарга олиб киради. Тарихий мавзудаги асарни ёзишда ёзувчи тасвир этилаётган давр манзарасини ёки тарихий шахснинг ҳаёти ва фаолиятини тарихий ҳужжатлар, архив материаллари, хотиралар асосида ўрганади. Персонажлар нутқида ўша давр кишилари тилига хос хусусиятларни акс эттириш лозим. Ижодкорнинг тарихий мавзуга мурожаат қилишдан мақсади, ўқувчиларни ўтмишдаги муҳим воқеалар, тарихий шахслар ҳаёти ва фаолияти билан таништиришдир. Китобхонда ўз халқининг тарихий ўтмишига нисбатан ҳурмат туйғусини уйғотиш ҳамда шу йўл билан маърифатли авлодни тарбиялашда тарихий шахсларнинг эзгу ишлари ҳақидаги тасаввурларни ойдинлаштириш ҳам керак бўлади. Бундан ташқари, замондошларни ўтмиш воқеаларидан, тарихий шахсларнинг фаолиятидаги ибратли жиҳатлардан сабоқ олишга чақиради. Жараёнда кечадиган айрим нохуш ҳодисаларга, давр нуқтаи назаридан муносабат билдиради.

Ёзувчининг бадиий нияти билан боғлиқ тўқималар тарихий жараённи нотўғри талқин этмаслиги ва ўқувчини чалғитмаслиги керак. Ижодкордан тарих ҳақиқатига содиқлик ва ўз объектига садоқатлилик талаб этилади. Ўзбек адабиётида кучли бадиият билан йўғрилган замонавий тарихий асар меъмори, шубҳасиз, Абдулла Қодирийдир. Ёзувчининг «Ўтган

кунлар» асари билан ўзбек адабиётида тарихий роман жанри майдонга келганлиги бунинг ёрқин мисоли. Ойбек ҳам «Қутлуғ қон» романида Қодирий бошлаб берган тарихий роман жанрини ривожлантиришга ҳаракат қилди ва «Навоий» романи билан тарихий-автобиографик руҳда ёзилган романга асос солди. Кейинчалик Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Муҳаммад Алилар тарихий мавзудаги асарлари билан тарихий роман жанрини шакллантирди, шулар қаторига Асад Дилмурод ҳам қўшилди. Унинг ‘‘Маҳмуд Таробий’’ тарихий романи бу сафда муқим ўрин эгаллашига асос бўлди. Жараёнда Сойим Исҳоқнинг “Қиёматга қолмаган қасос” романи бу анъананинг давомийлигига асос бўлади.

Ўзбек адабиётида шеърий эртак-достонлар яратиш тажрибаси бой тарихга эга. Фольклор асарларини, яъни халқ орасида оғиздан-оғизга ўтиб, кенг тарқалган ижод намуналарини шоирларимиз томонидан ўз замоналарига мослаб қайта ишлаб, шеърий шаклга солиш анъанасини Фурқат, Абдулла Авлоний, Элбек, Қудрат Ҳикмат, Зафар Диёр каби шоирларимиз ижодида кўришимиз мумкин. Бу адабий жанрда, айниқса, Ҳамид Олимжон юксак маҳорат кўрсата олган. Унинг XX асрнинг 30-йилларида яратилган «Ойгул билан Бахтиёр», «Семурғ ёки Паризод ва Бунёд» каби эртак-достонлари китобхонлар орасида жуда машҳур. Шеъриятда турли даврларда Ойбек, Усмон Носир, Султон Жўра, Усмон Азим, Азим Суюн каби шоирлар тарихий мавзудаги достонларнинг бадиий имкониятларини кенгайтирди поэтик иерархиясини шакллантирди.

Ижодкорнинг тарихий мавзуга мурожаат этишдан мақсади, китобхонларни тарихий ўтмишдаги муҳим воқеалар, тарихий шахслар ҳаёти ва фаолияти билан таништиришдир. Ҳикояда воқеалар муайян бир йўналиш бўйича ривожланиши ва ҳодисалар тизимли, тартибга мос тарзда юз бериши ёки ҳикояда вақт кетма-кетлигига амал қилинмаган, жараёнлар эса воқеа ривожи босқичларига таянган ҳолда турли йўналишларда юз беради. Шунингдек, умумий баёндан бир-бирига қўшилиб кетмайдиган, аммо маълум муддатдан сўнг умумий баён оқимига қўшиладиган шохчаларга

бўлинишдан иборат ҳикоя қилиш методи ҳам учрайди. Ижодкор ҳикоя жанрининг характерли усулларига мисол сифатида умумий тасаввур тамойилига кўра тасвирлаш композицияси ва мустаҳкам ички боғланишли қисмлардан ташкил топган типни келтириш мумкин. Назар Эшонқул ўз асарларида шу икки усулни аралаш ҳолда қўллаган. Бирор образни яхлит гавдалантириш учун у алоҳида қисмларни ҳам баъзан батафсил ифодалайди. Бу кераксиз туюлган саҳналар образнинг яхлит қиёфасини шиддат билан чизишда жуда қўл келади.

Адабиётшунос У.Жўрақулов 2012 йил ўзбек ҳикоячилиги хусусида тўхталиб, “ҳикоялар, аввало, хронологик тартиб жиҳатидан тарихий, яъни ўтган замонга тегишлидир; иккинчидан, мазкур ҳикоялар у ёки бу даражада тарихий-маданий, тарихий-ижтимоий, тарихий-маиший, тарихий-психологик жарёнларни акс эттиради; учинчидан, ва энг муҳими, 2012 йил ўзбек ҳикоячилиги туркий-ўзбек насрининг минг йиллик бадиий анъаналари вориси, Шарқу Ғарб классик поэтикаси ҳамда замонавий прозасининг қонуний бир узвидир” [2], деб таъкидлайди. Ҳикоя – ҳозиржавоблиги билан бошқа жанрлардан ажралиб туради. Унинг доимий тарзда ўз мазмун-шакл эволюцияси янгиланиб туради. Кўп ҳолларда катта эпик ҳодисаларнинг илк учқуни ҳикояда кўринади. Шу маънода, ҳикоянинг назарий аспектда ўрганилиши ўзини оқлайди. Назар Эшонқул “Сибизға воласи (миф-ҳикоя)” [7] ни ёзишда таянган манбаларни белгилаш, улардан қай тарзда фойдаланганини аниқлаш бевосита қиёсий аспектга дахлдор. Д.Дюришин таъкидлаганидек, қиёсий таҳлилда тарихий аспектга урғу бериш санъат асарига ғоявий-эстетик элементларнинг диалектик бирлиги сифатидаги муносабатни «тематик» ва «формалистик» қизиқишлардан ҳимоя қилади [1;114]. Кечаги кунини унутмаган, табаррук инсонларини қадрлаган юрт ҳамиша Яратганнинг назарида бўлади. Бадиий адабиётнинг асосий жиҳатлардан бири ўтмишда содир бўлган воқеаларни ёркин акс эттиришдир. Ижодкор тарихий мавзудаги асарда тарих ҳақиқатига суянган ҳолда фойдаланиши мумкин. Бадиий тўқимадан ҳам тарихий ҳақиқатга хиёнат

қилмасдан самарали ижодий фойдалана олади.

Воқеликни, инсон феъл-атворида бўлаётган ўзгаришларни ва унинг фаолиятини бадиий шаклда қайта яратиш ҳам мумкин. Қайта ишланган асардан ижтимоий-фалсафий маънолар қидиришга уриниш ёзувчиликнинг ўзига хос хислатларидан биридир. Мавжуд миф ва афсоналарни бадиий-эстетик тафаккур тарзида асарга олиб кирса ҳам бўлади. Ва, турли ифода йўсинлари орқали давр руҳини, қаҳрамонларнинг кечинмаларини ифодалаш, улар орқали китобхонни фалсафий мушоҳадага чорлаш Назар Эшонқул услубининг етакчи омилларидандир. Шу сабабли бўлса керак, унинг “Маймун етаклаган одам”, “Баҳовуддиннинг ити”, “Шамолни тутиб бўлмайди”, “Тобут”, “Хароба шаҳар сурати” каби ҳикояларида тарихийликни, яъни афсона ва ривоятлар нафасини ҳис этамиз.

Назар Эшонқулнинг “Сибизға воласи (миф-ҳикоя)”сини тарихий ҳикоя деб қараш мумкин. “Қамишлар шовурига қулоқ тут!” [7] жумласиёқ Искандар Зулқарнайн ҳақидаги машҳур афсонани эсга солади. Мақсуд Шайхзоданинг шу номдаги шеърий достони ҳам халқимиз ўртасида кенг ёйилган. У «Искандар Зулқарнайн» эртагини адабий жиҳатдан қайта ишлаб, унинг тарбиявий аҳамиятини кучайтириб, шеърий шаклга солади. Милоддан аввал қадим Юнонистонда Александр Македонский номли буюк бир шоҳ-фотиҳ ўтганлиги ва у жуда кўп мамлакатларни босиб олиб, у ердаги барча моддий ва маънавий бойликларни талаган, одамларни қул қилган. У узоқ жанглар қилиб, ҳозирги Ўрта Осиё ерларини ҳам ўзига бўйсундиргани маълум.

Мақсуд Шайхзода халқ томонидан берилган сифат – «Искандар Зулқарнайн», яъни шохли Искандар ҳақидаги ривоятни тарихий жиҳатдан (Навоий ижодини мукаммал билгани учун хусусан, “Садди Искандарий”ни) ўрганиб, уни ғоявий ва бадиий томондан бойитиб, шеърий достон яратади. Назар Эшонқул ҳам “Сибизға воласи (миф-ҳикоя)” ҳикоясини сюжет нуқтаи назаридан поэтик ўзлаштирган ва янги услуб яратиб, ўқувчига манзур бўладиган даражада шакллантирган. Натижада шундай классик ҳикоя юзага

келган. Ҳикоя ҳақида адабиётшунос У. Жўрақулов қисқагина қилиб шундай ёзади: “Н.Эшонқулнинг “Сибизға воласи” асари нашр этилгани заҳоти енгил-елпи баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Ҳикоя халқ орасида юрадиган Искандар ҳақидаги мистик ҳикоят (чўпчак)нинг бадиийлаштирилган баёнига қурилган. Натижада, жўн бир мистика ҳам маъно, ҳам хронотоп кўлами нуқтаи назаридан поэтик универсалия касб этган. Ҳикоя сюжети, Искандар ва сартарош образлари типологик қиёфа олган. Аммо ёзувчи шу ўринда бир нозик масалани – рецепция жараёнидаги ўқувчи ассоциатив қамровининг чеки йўқ ва тизгинсизлигини, у ҳамма нарсани қўйиб, тўғридан-тўғри ҳазрат Навоий “Хамса”сидаги Искандарга, қолаверса, “Қуръони карим”да зикр этилган Зулқарнайнга қадар дахл қилиши мумкинлигини, оқибат ўлароқ, чўпчак талқини кечириб бўлмас бир ёлғонга айланиб қолишини эътиборга олмаган” [2]. Бу масала турли адабиётларда турли талқин этилган бўлиб, ижодкор “Сибизға воласи”га тарихий манзарани жо қила олган. Тарихий мавзуга қўл урган ёзувчиларнинг асосий камчилиги, ўша тасвирланаётган муҳитни фақат хронологик эмас, балки эпик кўлам нуқтаи назаридан ҳам бойита билиши керак. Носир асарларида, кўпинча, шаклий ўзига хослик устунлик қилади. Тафсилотларни рамзлар орқали бериш, ўтмишга мурожаат, китобхонни бошқариш унинг услубига хос. Бу ҳикояда ҳам адиб услубидаги шу ўринлар бир қадар кўзга ташлангандек кўринади. Аввалига ўқувчи ёзувчининг қадимий афсонага ёндашувидаги янгича талқинидан умидвор ва шундай бўлиши табиий. Ҳикоя бош қаҳрамони ҳам, ҳикоячи ҳам бир киши. У эринмасдан кульминацион воқеагача бўлган тафсилотларни баён қилади. Асарда шаҳар қисматига сартарошсиз қолиш фожеаси битилган. Аслида, инсонни ҳайвондан айириб турувчи асосий жиҳат ҳам соч-соқолини олиб, ўзига оро бериб юришидадир. У эса мамлакатдаги сўнгги сартарош. Носир ёвуз ҳукмдор асраётган сир фуқароларни орқага, жаҳолатга қайтаришга сабаб бўла бошлади, демоқчидек туюлади.

Адабиётимиз гултожи Алишер Навоийнинг “Тарихи мулуки Ажам” (“Араб бўлмаган шоҳлар тарихи”) асари ўз даври нуқтаи назаридан

илмий далилларга асосланган рисола ҳисобланади. Асарда Эрон ва Турон мулкида ҳукмронлик қилган тўрт сулола: пешдодийлар, каёнийлар, ашконийлар, сосонийлар тарихи батафсил ҳикоя қилинади.

“Сибизға воласи” асарида муаллиф ўқувчини афсонада акс этган ҳақиқатни англашга уринишини истайди ва асосий воқеа сартарош ва Искандар учрашганида рўй беришидан умидвор. Бироқ минг йиллик ривоят яна аввалги ҳолида онгимизда қайта уйғонади. Адабиётшунос Г.Сатторова ҳикоя моҳиятига етишга уриниб, мафкурага боғлайди, аммо таҳлили бирёқламадек таассурот қолдиради. “Зотан бутун бошли мамлакат фуқаролари Искандарни Ахурамазда (Яхшилик худоси)нинг боласи деб билади. Сартарошни эса одамларга ҳақиқатни айтиш истаги азоблайди. Унда исёнкор руҳ уйғонади”. Бутун мамлакатни ёндирадиган аланга ловуллаб, мени тафтида қовуриб-қовжиратиб тургандай туюларди. Ичимдаги оловни ҳеч нарса билан ўчириб бўлмасди. Сартарош ўзи билган ҳақиқат йўлида уларни қурбон қила олмайди, гарчанд бу ҳақиқат одамларни жаҳолат чангалидан қутқаришга хизмат қилса ҳам. Тилсиз гунг қудуқларга дардини айтишдан бошқа чора топа олмайди” [5]. Таҳлилдаги “Сталин отлиғ қаттолни илоҳ” деб билишининг матн талқинига ҳеч алоқадорлиги йўқдек. Бунда мафкуравий хуружлар эмас, ғоявий тўқнашувга дуч келасиз. Чунки афсона, эртак, бадиий асардан фарқли равишда ҳикоя жанрий хусусияти ҳам ўзгача, яъни ровий талқини бошқача бўлиши табиий. Олима фикрини давом эттириб, ёзувчининг камчиликларини кўрсатади: “Шу ўринда таъкидлаш ўринлики, “Сибизға воласи” тил, ифода, тасвир жиҳатдан ҳам ҳийла заиф. Ортиқча сўзамоллик, гаплардаги тўмтоқлик, ғализлик ўқувчи ғашига тегади. Бундай нохушлик ҳикоянинг илк сатрларидаёқ кўзга ташланади” [5]. Адабиётдаги поэтик ўзлаштириш, яъни асар сюжети ўхшаш-у, муаллиф муддаоси бошқа бўлиши мумкин.

“Сибизға воласи”даги Искандар Зулқарнайн портретини чизиш тасвири оригинал чиққан. “Искандарни ташқарида хушсурат, алпқомат, икки елкасига иккита фаришта қўниб туради, сиймоси тонг офтоби каби шафақ

таратади, деб таърифлашарди. Кўз олдимда анчайин хунук, юзи гезарган, кўзлари ўлжа кўрган бўриникидек совуқ, кишига ҳамиша шубҳа ва гумон билан боқадиган бадбуруш кимса турарди” [8]. Адабиётшунос Баҳодир Каримов “Нодир санъат дурдоналарида адабий қаҳрамонларнинг ташқи кўриниши муҳим, айниқса, портрет чизгисида кўзлар марказий ўринни эгаллайди. Зотан инсоннинг кўнгли, қалб ҳолати сўзи ва кўзида намоён бўлади” [3;54], дейди ва портретда кўзга алоҳида эътибор қаратади.

Бадиий образ носирнинг мукаммал гўзаллик нуқтаи назаридан яратган типларида ўз ифодасини топади. Аммо айтиш жоизки, “Мутлақо гўзаллик қамраб олинмаган, балки фақат эстетиканинг хунуклик категорияси ўлчовлари доирасида яратилган образлар ташаккулида ҳам эстетик идеал иштирок этади” [4;11]. Хунуклик категорияси асос бўлган образ, характер ва портретлар заминида шундай хунукликка қарши турган – гўзаллик концепти бўртиб кўринади. Назар Эшонқул тасвирида ҳам шу жиҳат етакчилик қилади.

Ҳикоя воқеаларини ривоялаш услубига кўра муаллиф нутқи, қаҳрамон нутқи, персонажлар нутқи каби қисмларни ташкил этади. Ҳикояда нутқ шакллари бадиий матн тузилишида ўзига хос поэтик вазифани бажаради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Дюришин Д. Теория сравнительного изучения литературы. – Москва: Прогресс, 1975. – 114 с.
2. Жўрақулов У. Хос калом хосияти (2012 йил ҳикоялари таҳлили). //Шарқ Юлдузи, 2013. – №3. – Б.21
3. Карим Б. “Кўз”нинг поэтик моҳияти // Бадиият уфқлари. – Тошкент: Университет, 2008. – Б. 54.
4. Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Тошкент: Фан, 2004.
5. Сатторова Г. Чўпчакдан муддао не? (Назар Эшонқулнинг “Сибизға воласи” ҳикоясини ўқиб //Ёшлик, 2012. – №9. – Б. 42.

6. Холмирзаев Ш. Суҳбатлар //Шарқ юлдузи, 1971. – № 1. – Б.22.
7. Эшонқул, Назар. Сибизға воласи.. //Ёшлик, 2012. – №5. – Б. 45.
8. Ziyouz.uz. 05.08.2013